



Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2012 йил 6 мартдаги 1-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Молия институтида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

- Каримова З.Х. – Тошкент молия институти “Ҳазначилик иши” кафедраси мудири, и.ф.н., фахрий профессор
- Нурмухамедова Б.И. – Тошкент молия институти “Ҳазначилик иши” кафедраси катта ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

- Тошматов Ш. – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, “Молия” кафедраси мудири, и.ф.д.
- Мансуров Ш. – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари

Фаннинг ўқув дастури Тошкент молия институти Илмий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ва тавсия қилинган  
(2011 йил 26 октябрь 2-сонли баённома)

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда иқтисодийни модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат молияси ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган давлат бюджети алоҳида ўрин эгаллайди. Давлат бюджети давлатнинг қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа функцияларини амалга оширишнинг моддий-молиявий асосини ташкил этади ва мамлакат молия тизимининг барча бўғинлари билан бюджет-молия қонунчилиги билан тартибга солинадиган муайян муносабатларга киришади.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг бугунги босқичида иқтисодийни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустақкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш шароитида иқтисодийни барқарорлаштириш вазифаларини бажаришда давлат бюджетининг амал қилиш механизмларини пухта ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Ушбу дастур давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иқтисодийни модернизация қилиш ва янгилашдаги аҳамиятини, бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатлар тизими ва тамойилларини, бюджет даромадлари ва харажатлари тизимининг амал қилиш механизмларини, бюджет жараёни ва бюджет назоратини ташкил қилиш масалаларини қамраб олади.

### **Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари**

“Давлат бюджети” фанининг асосий мақсади – талабаларга давлат бюджети ва бюджет тизими ҳақида назарий билимлар бериш, уларда мамлакатда амалга оширилаётган инкирозга қарши Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг бугунги шароитида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат.

Фанининг вазифалари — давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш; бюджет қурилиши ва бюджет тизими амал қилиш асосларини ўрганиш; бюджет тизимини бошқаришнинг ташкилий асосларини ўрганиш; давлат бюджети даромадлари тизимини ва унинг манбаларини ўрганиш; давлат бюджети харажатлари тизими ва таркибини ўрганиш; бюджет жараёни ва бюджет истикболларини белгилаш асосларини ўрганиш; бюджет назоратини амалга ошириш ва ташкил этиш асосларини ўрганиш; бюджетнинг ҳолатини, бюджет тақчиллигининг моҳияти ва уни тартибга солиш усуллари ва воситаларини ўрганиш; иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида давлат бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ҳ.к.

Мазкур фанни ўқитишда маъруза, амалий машғулотлардан, шунингдек, ўқитишнинг интерактив услублари ва воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабалар давлат бюджети ва бюджет муносабатларини ташкил этиш назарияси ва амалиётига оид билимга, уқувга ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Талабалар умумназарий ва умумиқтисодий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда, бюджет-молиявий қонунчилик борасидаги янгилликлардан, мамлакат бюджет амалиётидаги ва хорижий давлатлар бюджет амалиётидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Давлат бюджети” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- бюджет тизими, бюджет қурилиши, давлат бюджетининг моҳияти, зарурлиги, белгилари ва функциялари;
- бюджет сиёсатининг мазмуни, вазифалари, ривожланиш босқичлари;
- бюджет тизимини бошқариш ва тартибга солиш асослари;

- хорижий мамлакатлар бюджет тизими ва бюджет жараёни;
- бюджет даромадлари ва харажатлари таркиби ва тузилиши;
- бюджет даромадларининг шаклланиш манбалари ва ишлатиш йўналишлари;
- республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги бюджетлараро муносабатларнинг шакллари;
- бюджет муносабатларини ташкил этиш шакллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- бюджет тизими ривожланишининг қонуниятларини;
- давлат бюджети ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиётини;
- бюджет истиқболини белгилаш асосларини;
- бюджет жараёнининг ташкил этилиши ва ўзига хос хусусиятларини;
- республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасидаги яхлитлик ҳамда ваколатлар тақсимотидаги тафовутларни;
- марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари бюджет ваколатлари ва ҳудудлар молиявий-инвестицион фаолияти асосларини;
- Ўзбекистон Республикасининг молия-бюджет қонунчилиги асосларини;
- давлат бюджети ривожланиш стратегияси ва тактикасини;
- бюджетнинг ғазна ижросини ташкил этиш масалаларини;
- бюджет тизимини ташкил этиш тамойилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши лозим*;
- бюджет кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобини тузиш, бюджет ижроси яқунларини таҳлил этиш бўйича;
- бюджет тизимини бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш ва натижаларини баҳолаш бўйича;
- бюджет тизими ва бюджет қурилишининг ҳозирги замон ҳолати ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш бўйича;
- бюджет назорати органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича;
- бюджет маблағлари истеъмолчилари мажбуриятларини бажариш бўйича;
- марказлашган инвестицияларда иштирок этувчи ҳудудларда инвестицион объектларни аниқлаш бўйича;
- бюджет бўғинлари фаолиятини тартибга солиш бўйича;
- ғазначилик хизмати ишини ташкил этиш бўйича;
- бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тузиш ва таҳлил этиш бўйича;
- бюджет ижроси натижаларини ҳисоб-китоб қилиш бўйича;
- бюджет маблағларини олувчилар молиявий режаларини ишлаб чиқиш, бюджет меъёрларини қўллаш, режаларнинг тўғрилигини текшириш бўйича;
- молияни бошқариш органлари фаолиятида замонавий компьютер технологиялардан фойдаланиш бўйича;
- бюджет амалиётига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича;
- давлат бюджетининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мақсадида илмий тадқиқотларни ўтказиш бўйича *кўникмаларига эга бўлиши керак*;
- бюджет ресурсларини бошқаришнинг асосий усулларини, бюджетлар бўғинларида молиявий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари;
- макродаражада ва ҳудудлар миқёсида давлат бюджет сиёсатининг амал қилиши;
- бюджет жараёнини, ғазначилик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- бюджет маблағларини инвестиция қилиш тамойиллари;
- давлат бюджетини прогнозлаштириш усулларини, ривожланиш дастурлари ва жорий, ўрта муддатли бюджетни тузиш асослари;
- бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатларни оптималлаштиришнинг концептуал асослари;
- бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш асослари;

- ижтимоий соҳаларни бюджетдан молиялаштириш механизмлари;
- иқтисодиёт тараққиётида бюджет механизмларидан фойдаланиш;
- давлат бюджети орқали молиявий барқарорликни таъминлаш усуллари;
- бюджет тизими бўғинлари фаолиятини тартибга солиш услублари;
- барча даражадаги бюджетларни шакллантириш ва тақсимлашнинг оптимал моделининг қурилиши юзасидан тегишли *малакаларига эга бўлиши керак.*

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Давлат бюджети” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур фанни ўзлаштиришда ўқув режасида режалаштирилган ижтимоий-иқтисодий (иқтисодий назария), умумқасбий (статистика, макроиқтисодиёт, молиявий ва бошқарув таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш) ва ихтисослик (молия, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари, молиявий назорат) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Давлат бюджети давлат молия тизимининг асосини ташкил этади. Давлат бюджетининг иқтисодий тузилиши ва мазмуни бевосита давлатнинг функция ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Чунки давлат жамиятни бошқариш учун ўз олдига қатор вазифаларни кўядики, уларни молиявий маблағлар билан таъминлашда давлат бюджети асосий ўринни эгаллайди.

Давлат бюджети мамлакатда яратилган ЯИМнинг қийматини қайта тақсимлаш курали сифатида амал қилади. Давлат бюджети марказий ҳукуматга хизмат қилиши билан бир қаторда, давлат молиявий ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлашда, ҳудудлараро, мулк шакллариаро қайта тақсимлашда ҳам бевосита иштирок этади.

Миллий иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, ҳар бир даврнинг устувор тараққиёт вазифаларини муваффақиятли бажаришда давлатнинг бошқа иқтисодий инструментлари қатори, давлат бюджети ҳам муҳим аҳамият касб этади ва маълум вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг самарали бажарилиши тегишли бюджет механизмнинг ишлаб чиқилиши ва амал қилиши билан таъминланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Давлат бюджети” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги ахборот-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, мультимедия материаллари ҳамда давлат молияси амалиётидаги расмий ҳужжатлар (харажатлар сметаси, баланс) ва ҳисоботлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишда илғор педагогик технологиялардан: ақлий ҳужум, ситуацион вазифаларни ечиш, кичик гуруҳларда топшириқлар бажариш, амалий иш ўйинларидан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **“Давлат бюджети” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

“Давлат бюджети” фанининг иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти. Фаннинг предмети, асосий мазмуни, таркибий тузилиши, вазифалари. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги

### **Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти**

Давлат бюджети - иқтисодий категория сифатида. Давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва функциялари. Давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши. Моддий маънода давлат бюджетининг моҳияти. Давлат бюджетининг давлат ихтиёридаги марказлашган пул фонди эканлиги. Давлат бюджети – ҳуқуқий категория сифатида. Давлат бюджетининг умумий молиявий муносабатлар таркибидаги ўрни ва аҳамияти. Бюджетнинг мамлакат молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро муносабатлари.

### **Бюджет қурилиши ва бюджет тизими**

Ўзбекистон Республикаси бюджет қурилиши асослари. Бюджет тизимининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими, унинг бўғинлари. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш асослари. Бюджет тизими бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шакллари. Бюджет қурилиши ва бюджет тизими амал қилишининг қонуний-ҳуқуқий асослари. Бюджет ҳуқуқи, унинг объекти, субъектлари, бюджет ҳуқуқи меъёрлари. Республика (марказий) ва маҳаллий ҳукумат органларининг бюджет ҳуқуқлари. Маҳаллий ҳукумат органлари бюджет ҳуқуқларининг кенгайтиши.

### **Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари**

Бюджет қонунчилиги. Бюджет ҳуқуқи. Бюджет муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - бюджет муносабатларининг ҳуқуқий асоси сифатида. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, унинг мазмуни, таркиби, бюджет муносабатларини тартибга солишдаги аҳамияти. Солиқ кодекси, унинг бюджетни шакллантиришдаги аҳамияти. Маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бюджет қонунчилигидаги сўнги ўзгаришлар.

### **Бюджет сиёсати**

Давлат бюджети - давлат иқтисодий сиёсатининг қуроли сифатида. Бюджет сиёсатининг тактикаси ва стратегияси. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсатининг ривожланиш босқичлари, мақсад ва вазифалари. Мамлакатни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ҳамда мамлакатни маданий жиҳатдан юксалтиришга қаратилган бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари. Давлатнинг бюджет даромадлари, харажатлари, бюджет тақчиллигини бошқариш ва тартибга солишдаги сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Бюджет тизимини бошқариш**

Бюджет тизимини бошқариш тўғрисида тушунча. Бошқариш субъектлари, уларнинг гуруҳланиши, асосий вазифалари. Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари. Ижроия ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқаришдаги иштироки. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги аҳамияти.

## **Бюджетлараро муносабатлар**

Бюджетлараро муносабатлар тўғрисида тушунча. Бюджетлараро муносабатларнинг шакллари. Бюджет тизими бўғинлари даромадлигини тартибга солишда бюджетлараро муносабатларнинг аҳамияти. Бюджетлараро муносабатларнинг жаҳон тажрибалари. Бюджетлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

## **Бюджет таснифи**

Бюджет таснифининг зарурлиги, моҳияти ва аҳамияти. Бюджет таснифининг турлари: бюджет даромадлари таснифи, уларнинг турлари. Бюджет харажатлари таснифи, унинг гуруҳланиши. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи. Бюджет тизимидаги ислохотлар доирасида бюджет таснифининг такомиллашуви. Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини ривожланган ва ривожланаётган давлатлар бюджет таснифлари билан қиёслаш.

## **Давлат бюджети даромадлари тизими**

Бюджет даромадларининг иқтисодий мазмуни ва манбалари. Бюджетга даромадларни жалб қилишнинг ички ва ташқи манбалари. Давлат бюджети даромадлари таркиби, тузилиши ва динамикаси. Бюджет даромадларининг шаклланишида солиқларнинг аҳамияти. Бюджет даромадларининг шаклланишида хўжалик юритувчи субъектлардан ва аҳолидан ундириладиган даромадларнинг тутган ўрни. Даромадларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш асослари. Давлат бюджетининг даромад базаларини мустаҳкамлашнинг бугунги кундаги муаммолари.

## **Давлат бюджети харажатлари тизими**

Давлат бюджети харажатларининг давлатнинг функциялари билан боғлиқлиги. Бюджет харажатларининг таркиби ва тузилиши. Бюджетнинг иқтисодий мақсадлардаги харажатлари. Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида иқтисодиёт харажатлари таркибининг ўзгариши. Бюджетнинг ижтимоий соҳаларни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш харажатлари. Бюджетнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини сақлаш харажатлари, уларни қисқартириш масалалари. Давлат бюджетининг мамлакат муҳофаа тизимини сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ харажатлари, бу соҳадаги ислохотлар ва бюджет.

## **Давлат бюджетининг ҳолати**

Давлат бюджетининг ҳолати. Давлат бюджетининг баланслиги, профицит ва тақчиллик ҳолатлари. Давлат бюджети тақчиллиги тушунчаси. Бюджет тақчиллигининг шакллари. Тақчилликни келтириб чиқарувчи омиллар. Тақчилликни тартибга солиш ва бошқариш. Тақчилликни молиялаштириш манбалари, уларнинг гуруҳланиши. Тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи, инфляцион ва ноинфляцион манбалари, уларнинг хусусиятлари. Бюджет тақчиллиги тўғрисидаги замонавий концепциялар, уларнинг мазмуни, хусусиятлари ва аҳамияти.

## **Бюджет жараёни**

Бюджет жараёни тўғрисида тушунча. Бюджет жараёни босқичлари: бюджет лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро этиш, бюджет ижроси юзасидан ҳисоботларни тузиш ва тасдиқлаш, бюджет жараёнининг барча босқичларини назорат қилиш. Бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, уни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари ва вазифалари. Тасдиқланган бюджетнинг бюджет маблағларини олувчиларга етказилиши. Бюджетни ижро этиш, унинг вазифалари, бюджет ижросини таъминловчи органлар. Бюджетнинг ғазна ижроси тўғрисида тушунча, уни таъминловчи органлар, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Бюджет ижроси юзасидан ҳисоботлар тузиш, уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Бюджет жараёни босқичларини назорат қилиш, назоратнинг

асосий вазифалари. Бюджет назорати органлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишда бюджет назоратининг аҳамияти.

### **Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил қилиш**

Давлат бюджетининг ғазна ижросини ташкил қилиш. Ғазна ижросининг ҳуқуқий асослари. Ғазначиликнинг ташкилий элементлари. Ғазна ижросида бюджет маблағларининг уларни олувчиларга етказилиши. Ғазначилик фаолияти механизмининг ўзига хос хусусиятлари. Бюджетнинг ғазна ижросини амалга оширувчи органлар, уларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Бюджетнинг ғазна ижросини жорий қилиш босқичлари, муаммо ва ечимлар.

### **Бюджет ташкилотларини молиялаштириш асослари**

Бюджет ташкилотларини смета асосида молиялаштиришнинг мазмуни, умумий тамойиллари. Харажатлар сметаси – бюджет ташкилотлари молиявий режаси сифатида. Смета, унинг элементлари. Сметаларнинг турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Смета харажатларининг таркиби, харажат гуруҳлари ва моддалари, уларни ҳисоблаш. Бюджет меъёрлари, улардан сметаларни тузишда фойдаланиш. Бюджет ташкилотлари харажатларини аниқлашда харажатларни меъёрлаштириш амалиётига ўтиш масалалари. Сметаларни тузиш, текшириш, тасдиқлаш, молиялаштирувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ва молиялаштириш тартиби. Смета асосида молиялаштириш юзасидан ҳисобот. Бюджет ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш масалалари. Бюджетнинг ғазна ижроси шароитида бюджет маблағлари ҳаракатининг ўзгариши.

### **Давлат бюджетидан таълим тизими харажатларини молиялаштириш**

Узлуксиз таълим тизимининг шаклланиши, унинг асосий босқичлари. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишда давлат бюджетининг аҳамияти. Таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш харажатларининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан амалга оширилиши.

Таълим тизимида жон бошига қараб молиялаштириш усуллариининг жорий этилиши. Мактабгача таълим-тарбия муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. Умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Мактаб ходимлари иш ҳақини ҳисоблаш, режалаштириш ва молиялаштиришдаги ўзгаришлар. Мактаб-интернатлар, махсус мактаблар, мактаблараро ва мактабдан ташқари маориф ташкилотлари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. Таълимни ривожлантириш Давлат дастурларини молиявий таъминлашда давлат бюджети ва бошқа манбаларнинг аҳамияти.

Ўрта махсус таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг хусусиятлари, улар молиявий таъминланишини яхшилаш масалалари.

Олий таълим тизими муассасаларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Олий ўқув юртлари даромадлари ва харажатлари таркиби ва тузилиши. Олий ўқув юртлари харажатларини режалаштириш тартиби.

Таълим соҳасидаги ислохотларни молиявий таъминлаш масалалари.

### **Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш харажатлари**

Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш манбалари. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлатнинг мажбуриятлари. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришда давлат бюджетининг аҳамияти. Давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг таркиби, улар харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришнинг хусусиятлари. Харажатларни режалаштиришдаги асосий кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби. Турғун даволаш муассасаси харажатлар сметасини тузиш. Тиббий ходимлар иш ҳақини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари. Амбулатория-поликлиника,



бошқа бирламчи тиббиёт муассасалари харажатлар сметасини ҳисоблаш. Соғлиқни сақлаш харажатларининг йиғма сметасини тузишнинг хусусиятлари. Тиббиёт соҳасидаги ислохотларни молиявий таъминлаш масалалари. Тиббиёт суғуртасини жорий қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва молиявий масалалари.

### **Бюджетнинг маданият харажатлари**

Давлат бюджети харажатлари таркибида маданият харажатларининг тутган ўрни ва жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишидаги аҳамияти. Давлат маданият муассасаларининг гуруҳланиши, улар харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш тартиби. Маданият уйлари, клублар, кутубхоналар ва бошқа маданият муассасалари харажатларини ҳисоблаш тартиби. Маданият соҳасидаги марказлаштирилган тадбирларни молиялаштириш. Санъат, телевидение, радио, матбуот харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Маданият харажатларини молиялаштиришда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг иштироки. Маданият соҳасини молиявий таъминлашнинг бозор механизми, унинг такомиллашуви.

### **Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари**

Мамлакатда ижтимоий таъминот тизими ва тадбирларини молиявий ресурслар билан таъминлаш манбалари. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари таркиби. Ижтимоий таъминот тизимида қарашли муассаса ва ташкилотлар харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш. Қариялар уйлари, болалар ва катталар ногиронлар уйлари харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштиришнинг хусусиятлари. Ижтимоий таъминот тизимидаги уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий таъминот тўловларини молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармасининг аҳамияти, унинг маблағларини ишлатиш йўналишлари. Ижтимоий пенсиялар ва нафақалар турлари, уларни тўлаш манбалари, тайинлаш тартиби.

Пенсия таъминотидаги ислохотлар, уларнинг бугунги кундаги асосий йўналишлари

### **Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя харажатлари**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг давлат томонидан кафолатланганлиги. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат бюджетининг ўрни ва аҳамияти. Бюджетдан молиялаштирилаётган ижтимоий ҳимоя харажатлари турлари: товарлар ва хизматлар баҳолари ҳамда тарифлари ўртасидаги фарқни қоплаш; болали оналарга нафақалар; кам таъминланган оилаларга нафақалар. Ижтимоий ҳимояни ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий таъминлаш. “Маҳалла” фондининг ташкил этилиши, унинг аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишдаги аҳамияти. “Маҳалла” фондининг давлат бюджети билан муносабатлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмининг такомиллашуви. Давлатнинг ижтимоий ҳимоя дастурларини молиявий таъминлаш

### **Давлат бюджетининг давлат ҳокимияти, бошқаруви, суд, прокуратура органларини сақлаш харажатлари**

Давлат бюджетининг бошқарув харажатлари таркиби ва тузилиши. Давлат бошқаруви, суд ва прокуратура органлари харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш. Бошқарув харажатларининг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши. Давлат бюджетининг бошқарув харажатларидан самарали фойдаланиш. Бошқарув харажатларини қисқартириш муаммолари.

### **Давлат бюджетининг бошқа харажатлари**

Давлат бюджетининг бошқа харажатлари таркиби. Бюджетнинг харажатлар таснифига мувофиқ бошқа харажатлар турлари. Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этиш

харажатлари. Референдум ва сайловлар ўтказиш, давлат мукофотларини тўлаш, пул-буюм лотарейаларини ўтказиш харажатлари, уларнинг республика бюджетидан молиялаштирилиши. Ҳарбий хизматчилар, божхона идоралари ходимларини пенсиялар ва нафақалар билан таъминлаш харажатлари. Мудофаа мажмуи, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари харажатларини бюджетдан молиялаштириш, бу харажатларнинг республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиш асослари. Бюджет таркибида Кафолатли жамғарманинг тузилиши, унинг зарурлиги ва аҳамияти.

### **Бюджет назорати**

Бюджет назоратининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти. Бюджет назоратининг гуруҳланиши, уни амалга оширишнинг шакллари ва усуллари. Тафтиш – бюджет назоратининг муҳим усули сифатида. Бюджет назоратини амалга оширувчи органлар, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

### **Амалий машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

#### **Амалий машғулотлари мавзулари:**

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти
2. Бюджет қурилиши ва бюджет тизими
3. Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари
4. Бюджет сиёсати
5. Бюджет тизимини бошқариш
6. Бюджетлараро муносабатлар
7. Бюджет таснифи
8. Давлат бюджети даромадлари тизими
9. Давлат бюджети харажатлари тизими
10. Давлат бюджетининг ҳолати
11. Бюджет жараёни
12. Давлат бюджети ғазна ижросини ташкил қилиш
13. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш асослари
14. Давлат бюджетидан таълим тизими харажатларини молиялаштириш
15. Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш харажатлари
16. Бюджетнинг маданият харажатлари
17. Давлат бюджетининг ижтимоий таъминот харажатлари
18. Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя харажатлари
19. Давлат бюджетининг давлат ҳокимияти, бошқаруви, суд, прокуратура органларини сақлаш харажатлари
20. Давлат бюджетининг бошқа харажатлари
21. Бюджет назорати

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар, таълим технологиялари ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни муҳокама қилиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Курс иши бўйича услубий кўрсатмалар**

Курс иши ўқув режага кўра 5231300–“Пенсия иши” бакалавриат таълим йўналишида назарда тутилган. Курс ишларини бажаришда талаба бюджет муносабатлари назарияси ва амалиёти бўйича тегишли билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, аниқ бир муаммоли мавзунини атрофлича ўрганиб чиқишга муваффақ бўлади. Курс ишида молия органлари ва

бюджет муассасалари амалиётининг мавжуд муаммолари бўйича назарий-ҳуқуқий асослар ўрганилади, услубиёт муаммолари тадқиқ этилади, таҳлилий жадваллар тузиб таҳлил қилинади, мавзу бўйича тегишли хулосалар ва улар асосидаги таклифлар назарий жиҳатдан асослаб берилди. Умуман, “Давлат бюджети” фанидан курс иши ёзишнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, ҳар бир талаба ўқув жараёни тугаши арафасида битирув-малакавий ишини бажаради. Курс иши айна шу ўқув тадбирининг дастлабки пойдевори бўлиб ҳисобланади.

**Курс иши бўйича намунавий мавзуларининг рўйхати:**

1. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат бюджетининг ўрни ва аҳамияти
2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ва бюджет тизимининг ривожланиш тарихи
3. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари
4. Ўзбекистон Республикасида бюджет қурилиши ва бюджет тизими
5. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет тизимини бошқариш
6. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат бюджети даромадлари ва уларни барқарорлаштириш истиқболлари
7. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат бюджети харажатлари тизими
8. Маҳаллий бюджетлар даромадлари тизими, уларни барқарорлаштириш масалалари
9. Маҳаллий бюджетлар харажатлари тизими, уларни оптималлаштириш масалалари
10. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет тақчиллигини бошқариш ва тартибга солиш масалалари
11. Бюджет таснифининг моҳияти, аҳамияти ва ҳозирги замон хусусиятлари
12. Бюджет ташкилотлари харажатларини смета асосида молиялаштириш асослари
13. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджетдан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари
14. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида таълим харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш
15. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш масалалари
16. Ижтимоий таъминот харажатларининг таркиби, тузилиши, уларни молиялаштиришда бюджетнинг ўрни ва аҳамияти
17. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг зарурлиги ва молиявий манбалари
18. Давлат бошқарув органлари харажатларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш асослари
19. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари харажатларини бюджетдан молиялаштириш ва уни такомиллаштириш
20. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат бюджетининг ташқи иқтисодий фаолият бўйича даромад ва харажатлари
21. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнини ташкил этиш асослари
22. Ўзбекистон Республикаси Жамланма бюджети, унинг таркиби, тузилиши ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни
23. Хорижий давлатлар бюджет тизими ва бюджет жараёни
24. Бюджет ижросини назорат қилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги Назорат-тафтиш Бошқармасининг ўрни ва аҳамияти
25. Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросини ташкил этишда ғазначилик фаолиятининг зарурлиги, хусусиятлари ва аҳамияти
26. Давлат бюджети ижросини ташкил этишнинг ҳозирги давр вазифалари ва устувор

йўналишлари

27. Кичик ва хусусий бизнеснинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти ва уни кучайтириш йўллари

28. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг долзарб муаммолари

29. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат молиясини бошқариш муаммолари

30. “Нативавийликка йўналтирилган бюджет”, унинг афзалликлари ва жорий қилиш шарт-шароитлари

### **Курс ишларини тайёрлаш услублари**

“Давлат бюджети” фани бўйича курс иши танланган мавзу бўйича натижаларни умумий яхлитликка эга илмий ва амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий ишдир. Курс иши “Давлат бюджети” фани ривожланишининг замонавий даражасига, давлат молия соҳасида ислохотлар доирасида бюджетнинг ривожланиш тенденцияларига доир масалаларини акс эттиришга мос келиши керак.

Курс ишининг нафақат назарий аҳамияти, мавзусининг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга тадбиғи, балки унинг услубий тайёргарлик даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини ёзишнинг энг муҳим босқичи – бу қўйилган саволларнинг ўзаро назарий ва амалий алоқадорлигини таъминлаш. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри белгилаш талабага курс ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ қўйиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўллари, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини тўғри танлашга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилиши оқилона ва сифатли ишлаб чиқилиши талабага изланишнинг олдига қўйилган мақсад ҳамда натижаларини тўғри ифодалаш, фикрларни баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг илмий жиҳатдан етуқлиги ҳамда “Давлат бюджети” фани бўйича чуқур билимга ва амалий кўникмага эгаллигини намоён қилиши зарур. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, қўйилган илмий ва амалий вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда бир-бирига мантикий мос режа тузилади ва шу асосда ёзилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда давлат бюджети назарияси ва амалиётининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, чет давлатларнинг тажрибаларини ўзимизда орттирган амалий ютуқларни умумлаштирган ҳолда давлат молияси соҳасида ислохотларнинг зарурлигини, давлат бюджетининг амал қилиш жараёнидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз тавсияларини беради.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд иқтисодий адабиётларни чуқур таҳлил қилиш;
- курс ишида мавзуга доир чизма ва жадвалларни муайян тизимга келтирган ҳолда расмийлаштириш;
- курс иши бўйича тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- илгари сурилаётган тавсиялар тизимини асослаб бериш;
- талаба томонидан фикрнинг кетма-кетликда, муайян изчилликда баён қилиниши;
- белгиланган талаблар бўйича курс ишининг расмийлаштирилиши.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Намунавий ўқув режада мазкур фан бўйича мустақил ишлашга тегишли соат ажратилган бўлиб, унда қуйидагилар кўзда тутилган: мазкур фан мавзулари бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш; тегишли мавзулар бўйича рефератлар ёзиш; фан мазмунини бойитиш ва унинг маълумотларини янгилаб боришда ахборот ресурсларидан фойдаланишни йўлга қўйиш; фандан тавсия этилган чет эл адабиётлари маълумотларини таржима қилиш ва фанга тадбиқ этиш; талабалар фанни мукамал ўзлаштиришларини

таъминлаш мақсадида мазкур фанга оид муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излаб топиш ва муаммоларни мақолалар орқали ёритиш.

Мазкур фандан талабалар белгиланган мавзулардан бири бўйича мустақил таълим комплексини бажарадилар. Мустақил таълим комплексида талаба мавзуга оид молиявий-бюджет қонунчилиги шарҳини, бюджет амалиётидаги услубий таъминотни, илмий ва махсус адабиётлар ҳамда бошқа манбалардаги материалларнинг, статистик маълумотларнинг таҳлилини қамраб олувчи тадқиқ намунасини бажаради ва унинг натижалари талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими талабларига мувофиқ амалга оширилади. Мустақил таълимга мўлжалланган топшириқлар маърузалар мавзулари, семинар машғулоти мавзулари ва битирув-малакавий ишларининг мазмунига мос келади ва талаба билими ҳамда касбий кўникмаларига жавобан улар тадқиқ жараёни узлуксизлигини асослашга қаратилган.

### **Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:**

1. Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти.
2. Бюджет қурилиши ва бюджет тизими.
3. Қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари.
4. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими амал қилишининг қонуний-ҳуқуқий асослари.
5. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида республика бюджетининг даромад ва харажатлари.
6. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари тизими.
7. Маҳаллий бюджетларни бошқариш ва тартибга солиш асослари.
8. Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва тузилиши.
9. Бевосита ва билвосита солиқлар, уларнинг гуруҳланиши.
10. Мулкӣ солиқлар ва ресурс тўловлари.
11. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва даромад манбаларини мустаҳкамлаш масалалари.
12. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг асосий элементлари.
13. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида давлат бюджетининг иқтисодий жараёнлардаги иштирокининг ўзгариши.
14. Бюджет ташкилотларини смета асосида молиялаштириш тартибини такомиллаштириш.
15. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларни молиявий таъминлаш масалалари.
16. Умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.
17. Ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш.
18. Олий ўқув юртлари харажатларини молиялаштиришнинг хусусиятлари.
19. Маданият ва санъат соҳасини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.
20. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида соғлиқни сақлаш тизимини молиявий таъминлаш.
21. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари.
22. Бюджетнинг ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя харажатлари.
23. Бюджетнинг бошқа харажатлари, таркиби ва тузилиши.

24. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет дефицити ва уни бошқариш.
25. Бюджет жараёнини ташкил этиш асослари.
26. Бюджетнинг ғазна ижросини ташкил этиш.
27. Бюджет ижроси кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилиш.
28. Иқтисодиётнинг модернизациялашуви ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет назоратини ташкил этиш.

### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Давлат бюджетининг назарий асослари бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

давлат бюджети даромадлари ва харажатлари тизими бўлимига тегишли мавзуларни ўзлаштиришда ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ситуацион вазифаларни бажариш каби педагогик технологиялардан;

бюджет жараёнини ташкил этиш бўлимидаги мавзуларни ўзлаштиришда кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш, талабалар презентацион ишларининг тақдими муҳокамаси каби технологияларни қўллаш назарда тутилади.

### **Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Вахабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. Т. "IQTISOD-MOLIYA", 2007.
2. Вахабов А.В., Т.Маликов. Молия: Умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2010, 595 б.
3. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 84 б.
4. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2007, 245 б.
5. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет (tizimi, tuzilmasi, jara'oni). Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008, 98 б.
6. Маликов Т., Вахабов Д., Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2010, 660 б.
7. Маликов Т., Жалилов П., Бюджет-солиқ сиёсати. Монграфия. Т.: Академнашр, 2011. 472 б.
8. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.:Infocom. 2010.
9. Срожиддинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. Издательство «infoCOM.UZ». Ташкент-2010.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

10. Бурхонов У. Давлат хариди. «infoCOM.UZ». Тошкент-2010.
11. Джамалов Х., Алиев С., Бюджетная система. Т.: Издательский дом "Гасвир", 2008.
12. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити: Ўқув қўлланма / Т.: «infoCOM.UZ». 2009.
13. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2010. 276с.
14. Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008.
15. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008

16. Хайдаров М. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2010.

17. Интернет сайтлари:

[www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.lex.uz](http://www.lex.uz)

[www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[www.budget.ru](http://www.budget.ru)

[www.uzreport.co](http://www.uzreport.co)

[www.undp.uz](http://www.undp.uz)

[www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)

